4.1.3. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

4.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

4.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

4.2.1. Қабул килиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул килиб олиш;

4.2.2.Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 72 соат ичида бу ҳақда Сотувчини хабардор қилиш;

4.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар баҳосини тўлаш.

## 5.МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Шартноманинг амал килиш муддати:

бошланиши – 2022 йил "14" январ

тугаши –2022 йил "31" декабрь

5.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

5.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 6.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда пеня тўлайди:

6.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди;

6.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0.4 фоизи миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 7.ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина кучга эга бўлади.

7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига ёки фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарарни айбдор тараф тўлаган ҳолда йўл қўйилади.

## 8.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР